

Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат, жамоат ва дин арбобларидан **самимий кутловлар келмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси мустақиллиги кунини муносабати билан Президент Сооронбай Жээнбековга табрик йўллади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Подшоҳи Абдуллоҳ Риязуддин Ал-Мустафо Биллоҳ ва Бош вазири Муҳйиддин Яссини Мустақиллик кунини билан табриклайди.



Мамлакатимизнинг Дехлидаги элчихонаси томонидан Хиндистоннинг «Tillotoma Foundation» илмий тадбирлар ташкил этишга ихтисослашган ташкилоти билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган «Янги Ўзбекистон ривожланиш стратегияси» мавзусида вебинар ўтказилди.



Шимол-ғарбий ҳарбий округ қўшинларида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон мудофаа вазири номидан «Намунали хизмати учун» кўрак нишони, фажрий ёрликлар топширилди.



Навоий шаҳрида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ер усти пёдалар йўли – мегаўтрик фойдаланишга топширилди.



Бухоро вилояти Ромитан тумани Варахша массивида «Bukhara Desert Oasis & SPA» дам олиш масканининг расмий очилиш маросими ўтказилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 1 сентябрь • сешанба • № 93 (4378)

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Авалло, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Айни пайтда ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларида «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган муътабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртдошларимга ўзининг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимгидек катта тантана ва сайилар билан нишонлай олмаётимиз.

Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихчам шаклда, онлайн режимда ўтказмоқдамиз. Лекин, ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу кутлуғ санага атаб катта-катта концертлар, бадиий дастурлар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуғ ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Хурматли дўстлар! Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. «**Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!**» деб мил-

лат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуғ аجدодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоҳ Абдуганиевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик гоёси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узокни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойий меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шайниимизни, дину диёнатиимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик кунини Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда «**Янги Ўзбекистон**» ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришяётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда **Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон**

эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислохотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

«**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**» деган давлаткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

2▶




ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШГАНЛАР ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ

Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланади.

Қурбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи бунёд этилди. Бу масканлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

3▶



МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

Кўксарой қароргоҳида 31 август кунини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илмфан, маданият соҳаси фидойилари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунинг-

дек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн кунатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади.

3▶

Келгуси сонларда ўқинг...

АСРИИ ҚАРИТГАН УЙЛАР
ёхуд XX аср бошларида
Туркистондаги тўйлар ҳақида

**ОРОЛЬЎИДАГИ
МАЁҚ МИНОРАЛАР**
Улар нимадан белги берган?

**АССАЛОМ,
ТИББИЙ
МАДАНИЯТ!**

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

<< 1

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб ашмоқда.

Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: **дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламақда.**

Азиз юртдошлар!
Сизларга маълумки, шу йил бошида 2020 йил учун улкан режа ва мақсадларни белгилаб олган эдик. Бироқ жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий ва техноген офатлар барчамизнинг иродаимизни жиддий синовдан ўтказди. Тош келса кемириб, сув келса симириб тобланган халқимиз бу огир кунлардан ҳам ўзининг сабр-матонати, меҳр-оқибати ва меҳнаткашлиги билан янада қучли бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги мураккаб вазиятда биз учун ғоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш – энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни, биз аҳолимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтининг ўзида ҳал этмоқдамиз.

Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Буни «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати яна бир бор яққол намойён этди. Бу эзгу ташаббус ишбилармон ва тadbиркорларни, фидойий ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг: **Даврон элининг жисмида жон бўлғил, ҳам жонларига мояи дармон бўлғил,** – деган сўзлари бугун янада теран маъно билан янграмоқда.

Чиндан ҳам, ҳозирги давр ҳар биримизни саховат ва ҳиммат кўрсатиб, хайрли ишларимиз билан эл-юрт дардида дармон бўлишга ундамоқда.

Айни вақтда коронавирус мамлакатимиз тиббиёт тизими учун ҳам жиддий синов, ҳам улкан тажриба мактаби бўлди.

Бу бағога қарши курашиш бўйича сўнги олти ой давомида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширдик. Жумладан, кўп-кўп янги шифохоналар ва карантин зоналари ишга туширилди. Катта миқдорда кўшимча тиббиёт ускуналари ва тез ёрдам машиналари харид қилинди. Энг илғим хорижий амалиёт ва ўзимизда тўпланган тажриба асосида даволаш усуллари тақомиллаштириб борилмоқда. Коронавирусга қарши курашда туну кун метин ирода билан фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш доимий эътиборимизда турибди. Бундай чора-тадбирларимиз натижасида минглаб беморлар шифо топиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

Чет давлатларга меҳнат қилиш ва ўқишга кетиб, пандемия туфайли қийналиб қолган юртдошларимизни ўзи уйларига қайтариш, тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширган катта ишларимиз давом эттирилмоқда.

Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.

Барчангизга яхши маълум, дунёда икки соҳа вакиллари ўзи касбига садоқат борасида қасамд қабул қилади: булар – Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар ва инсон саломатлигига масъул шифокорлар. Бунинг беҳиз эмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Муқаддас қасамдига содиқ бўлган шифокорларимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, керак бўлса, азиз жонларини фидо қилиб, қаҳрамонларча меҳнат қилмоқдалар.

Халқимиз, давлатимиз сизларнинг матонат ва жасоратингизни ҳеч қачон унутмайди. Биз нечоғлиқ ҳаракат қилмайлик, афсуски, бу хавфли касаллик бир қанча ватандошларимизнинг умрига зомин бўлди. Бу огир йўқотишлар юракларимизни ларзага солди. Негаки, бу инсонларнинг ҳар бири бизнинг жигарларимиз эди.

Шу ўринда яқинларидан жудо бўлган юртдошларимизга чуқур ҳамдардлик билдириб, уларга Яратгандан сабр-тоқат ва бардош тилайман.

Қадрли ватандошлар!
Халқимизда «**Оққан дарё – оқаверади**» деган ҳикматли гап бор. Буни бугунги мураккаб вазиятда амалга ошираётган улкан ишларимиз исботлаб турибди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидламоқда ва кейинги йилларда сезиларли ўсиш кутилаётганини прогноз қилмоқда. Бу албатта ўз вақтида кўрган тезкор чораларимизнинг самарасидир.

Карантин чекловларига қарамасдан, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Аҳолимизнинг асосий қисми ўзининг даромад манбалари ва турмуш даражасини сақлаб қолишига эришдик. Карантин талаблари жорий этилиши натижасида 72 минг 500 та саноат корхонасидан 16 минг 700 таси ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Бу борада қилган тизимли ишларимиз ҳисобидан 16 минг 600 та корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланди.

Мамлакатимиз корхоналари маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича белгиланган режалар ҳам бажарилмоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришганимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу йил республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилди.

Ана шундай йирик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводини алоҳида қайд этиш зарур. Германия ва Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилган ушбу корхона экологик жиҳатдан энг тоза ва хавфсиз бўлиб, йилига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқаради.

«Навоийазот» корхонасида йилига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланишга топширилди. Йил охирига қадар бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам фаолият бошлайди. Янгитдан барпо этилаётган «Ўзбекистон ЖТЛ» заводида «Шўртангазким» комплексининг метан газ асосида йилига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи олиш йўлга қўйилмоқда.

Олмалик кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металллар тайёрлашни уч баробар кўпайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий соҳадаги ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар туфайли халқаро валюта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиги алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Биз кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи марта шундай улкан молиявий ресурсларни йўналтирмоқдамиз.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, ғалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирдилар. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, रिзқ-рўзимиз бунёдқори бўлган деҳқон ва фермерларимизга, ернинг ҳақиқий эгасига айланаётган кластер хўжаликлари ходимларига, барча дала меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга руҳлат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!
Хусусий тadbиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Пандемия даврида тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўз фаолиятини давом эттириши учун бизнес субъектларига турли имтиёз ва энгилликлар берилгани сизларга яхши маълум.

Бу йил «Ҳар бир оила – тadbиркор» дастурини амалга ошириш учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ишончим комил, ана шундай тизимли ишларимиз орқали йил якунига қадар ишлаб чиқариш қувватларининг узлуksиз фаолиятини ва иқтисодиётимиз барқарорлигини албатта таъминлаймиз.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва

турар-жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳанинг ўзида 2 минг 400 га яқин объектда қурилиш ишлари жадал олиб бориламоқда.

Пойтахтимиздаги куни кеча фойдаланишга топширилган янги ер ости ва ер усти метро линиялари, Ғалаба боғи, Адиблар хиббони сингари муҳташам ижтимоий, барча ҳудудларимизда қад кўтарайтган замонавий бино ва иншоотлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатдир.

Қадрли байрам иштирокчилари!
Маълумки, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборатдир.

Биз ана шу эзгу ишни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтиришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Жумладан, ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Йил якунига қадар уларнинг сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан ўн икки ярим триллион сўм маблағ ажратилди.

Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилди. Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ва ногиронлиги бўлган болаларни қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Бугунги кўтуғ айёмда Ватанимиз кеда жағи бўлган ёшларимизнинг камоли йўлида қилаётган ишларимизни эста олишимиз табиийдир.

Сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юрталарига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ушбу кўрсаткичлар, аввало, фарзандларимиз ва уларнинг ота-оналари қалбидаги эртанги кунимизга, келажакка бўлган катта орзу-умид ва ишончдан дарак беради.

Ана шу ўғил-қизларимиз яқинда кириш имтиҳонларини топширади. Келинлар, бўлғуси синовларда ҳамма фарзандларимизга омад ва зафарлар тилайлик!

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, «Замонавий мактаб» дастурини жорий этиш борасидаги ишларимиз ҳам узлуksиз давом эттирилмоқда.

Юртимизда Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идораларор кенгаш ташкил этилди. Олий Мажлис палаталари ҳузурда Ёшлар парламентлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Худудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

«Ёшлар – келажакимиз» давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига қарийб 1,7 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаолигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Хабарингиз бор, кам таъминланган оилаларда камол топаётган қизларимизнинг билми оlish имкониятини кенгайтириш учун бу йил янги тизим жорий эдик. Унга мувофиқ, ушбу ўқув йилида олий таълим даргоҳларининг кундузги бўлимларига бундай қизларимиз учун давлат гранти асосида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

Азиз ватандошлар!
Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақо-

бат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, математика, физика, кимё, биология, астрономия, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа соҳаларда жиддий амалий натижаларга эришилмоқда. Математика, кимё, биология фанларини ривожлантириш ва уларни ўқитиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда.

Ўйлайманки, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотни таъсис этганимиз математика соҳасида ёш иқтидор эгаларини рағбатлантиришда яна бир муҳим омили бўлади.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустақкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади.

Шу мақсадда биз «Узлуksиз маънавий тарбия концепцияси» доирасида умумтаълим мактабларда биринчи марта «Тарбия» фанини жорий этмоқдамиз.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бугун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз.

Кейинги пайтда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида маданиятимиз ва санъатимиз ривож янги босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда диний-маърифий соҳалар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ушбу бетакор мажмуа халқимизнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини намойён этади. Яқинда Имом (Мотуридий-илмий-тадқиқот) марказини ташкил этиш борасида бошлаган сазй-ҳаракатларимиз ҳам мана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши сессиясида Суд-ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон эришяётган амалий натижаларининг эътирофи этилгани бу борадаги фаолиятимизга берилган холис баҳо-дир.

Юртимизда биринчи марта «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси» қабул қилинди.

Шу йил август ойида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб Самарқанд веб-форуми ўтказилди. У нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ёшлари ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, жинойтга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан ҳам тарихий қадамлар ташланди.

Сўнги пайтда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг қўлланаётгани халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида Мустақиллик байрами арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга кўра, қилмиши чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтарилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шarti бўлган шахсининг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадамлар қўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаяётган бўлса-да, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак мақомни узоқ вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Тараққиёт кушандаси бўлмиш иллат – коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг қўламада кураш олиб борилмоқда. Шу борада янги тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этганимиз бу масаланинг долзарблиги ва доимий эътиборимизда бўлишидан далолат беради.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очкилик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти

устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишларимиз ортага қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Барчангиз хабардорсиз, ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан, биз зиммамизга олган барча халқаро мажбуриятлар ва келишувларни тўлиқ бажариб келмоқдамиз. Хорижий шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, коронавируста қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амириклари, Германия, Япония ва бошқа ҳамкор давлатларга халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тиклиши ва тараққиёт банки, Осие инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга қўша дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорлик билдираман.

Айни вақтда бизни Мустақиллик байрами билан қўллаётган барча узоқ-яқин давлатларнинг халқларига, чет эллик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва раванқ тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!
Бугунги огир вазият ҳар биримиздан ўз фаолиятимиз ва масъулиятимизни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Халқимизда «Кўз – кўрқоқ, кўл – ботир», деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, кўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсақ, шубҳасиз, қўзлаган марраларимизга эришамиз.

Муқаддас китобларда айтилганидек, ҳар қандай қийинчилик ортдан албатта бир энгиллик келади. Барчамиз бунга ишонамиз ва қодир Оллоҳдан шуни сўраймиз.

«Хали кўп-Наврўз ва Хайит айёмларини, тарихий саналар ва умумхалқ байрамларини ҳаммамиз биргаликда шоду хуррамлик билан ўтказамиз, иншооллоҳ.

Мана, келгуси йили давлатимиз мустақиллигига ўттиз йил тўлади. Мамлакатимиз тарихидаги ушбу унутилмас шонли санани ҳар томонлама муносиб нишонлашни ният қилганмиз. Илоҳим, шу кунларга соғ-омон, ёруғ юз билан етиш ҳаммамизга насиб этсин.

Маълумки, бугунги байрам арафасида турли соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг катта бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Илтимиз барчасини қизгин табриқлаб, ижтимоий фаолиятлари ва шахсий ҳаётларида янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўз инсоний бурчи ва фуқаролик масъулиятини чуқур англаб, истиқлолимизни мустақкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларга, қурувчи ва тadbиркорларга, фермер ва деҳқонларга, навқирон ёшларимизга яна бир бор самимий раҳмат айтаман.

Эл-юрт манфаати йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган хурматли депутатлар ва сенаторларимизга, ҳокимият идоралари ходимлари ва маҳалла фаолларига, ҳарбий либос кийган ўғлонларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларга, муҳтарам нурунийларимизга, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустақкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман.

Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонатни ва ҳамжихатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!
Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин!

Фарзандлар, набиралар камолини кўриб юриш ҳаммамизга насиб этсин!
Гўзал ва бетакор юртимиз ҳаммиша тинч ва фаровон бўлсин!

Меҳнаткаш ва оlijаноб, бағрикенг халқимиз доимо соғ-омон бўлсин!
Яратганимиз ўзи барчамизни паноҳида асрасин!



ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШГАНЛАР ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ

«1
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиебонига ташриф буюрди.

Мажмуадаги рамзий қабр ёнида қатагон қурбонлари руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди.

– Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақиқа Қуръон ўқишимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охириги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириш, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Буларнинг ҳаммаси – одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, мустақид тузум даврида минглаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри хазон бўлган. 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатагонга учраган. Уларнинг 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, болалар етим қолган. Биргина 1937-38 йиллардаги катта қатагон даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган.

– Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илгор-зиёлилар, адабиёт, маданият намояндлари, бошқача айтганда, миллиятимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатагон қилинмаганида Ватанимиз ривож учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билан туриб қилинган. Бугун буни армон билан эслаймиз, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари қатагонга учраган ана шу 100 минг одамнинг ҳар бири

бўйича изланиш, жойларга чиқиб, қариндошлари билан учрашиб, номларини тиклаш, қилган ишлари ҳақида китоблар чоп этиш, ўзлари яшаган маҳалалар ва мактабларга номларини қўйиб, хотирасини абадийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Сўнги йилларда Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари маърифатпарварлар хотирасига бағишланган музейлар, муазам ҳайкаллар яратилди. Ижод мактаблари бунёд этилди. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда Қатагон қурбонлари музейининг бўлимлари очилди. Қатагон қурбонларига бағишланган янги-янги китоблар, фильмлар, тадқиқотлар яратилмоқда.

Коронавирус пандемияси юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Афсуски, бу касаллик уч юздан зиёд юртдошимизнинг ҳаётига зомин бўлди.

Маросимда ушбу инсонлар хотирасига бағишлаб ҳам Қуръон тиловат қилинди. Беморларнинг тезроқ соғайишини Аллоҳдан сўраб, дуо ўқилди.

– Ўз яқинларидан жудо бўлган барча оилаларга чуқур ҳамдардик билдириб, сабр-тоқат тилайман. Даволанаётган беморларимизнинг дардига шифо беришини Худодан сўраймиз. Олти ойдан бери шу бало билан курашяпмиз. Бу касаллик юртимиздан тезроқ кетишини сўраб дуо қиламиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу кун Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига «тулчамбар» қўйди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами муносабати билан йиғилганларни табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.



Фарғона вилояти

Байрам шукӯҳи

ТҲЙҒА ТҲЁНА БИЛАН

Фарғона вилояти касабә уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан Бешариқ туманининг «Навбахор» МФЙ ҳудудида тикув цехи иш бошлади. Натижада, 20 нафар маҳаллий хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.



– Шу пайтгача Тошкент шаҳридаги тикувчилик цехида ишлар эдим, – дейди Умида Убдурахмонова. – Кишлоғимизда тикувчилик цехи очилгач, унга ишга кирдим. Энди узоққа бориб ишлашнинг ҳожати йўқ. Иш жойим шундоққина уйимнинг олдида. Бу ерда менга меҳнат дафтәрчаси ҳам очилдиган бўлди. Яратилган шароитлар эса таҳсинга лойиқ.

– Туман хотин-қизлари бандлигини таъминлаш мақсадида шу ерда яна битта тикув цехини ташкил қилиш устида иш олиб боряпмиз, – дейди Фарғона вилояти касабә уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. – Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида яна 300 нафар хотин-қиз ишли бўлади.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»

МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РҲЁБИ ЙҲЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

«1

Мустақиллик байрами – бу қутлуғ кун шукӯҳи неча йил ўтса ҳамки қадрини йўқотмайди. Тириклик қадри мангу давом этади. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг кўп йиллик орзуси ушалганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақил ўтган йиллар сарҳисоби беҳисоб ва мазмунли. Биргина кейинги, хусусан, синовли 2020 йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами ҳам гоят кенгдир.

Иқтисодиёт тармоқлари – хусусий тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ каби йўналишларда янги механизмлар жорий этилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес, хунармандчилик, томорқачилик, хуллас, бир оила яхши яшаши, ўзини тиклаб олиши зарур бўлган барча йўналишларда катта имкониятлар берилди. Солиқ юки енгиллаштирилди.

Бу йил халқимиз учун синовли келди. Табиий ва техноген оғди-лар, пандемия шароитида халқимиз жипслигини кўрсатди. Бу бало-қазоларни оқилона, аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлар туфайли енгиб ўтмоқдамиз.

– Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик гоёси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда. Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънинимизни, дину диёнатиимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик кунини Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани, янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини қайд этди.



Бу борада, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, илм-фан равнақи йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, ўқитувчилар обрўси йил сайин юксалиб, таълим сифати яхшиланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев қўшма дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга миннатдорлик билдирди. Халқимизни Мустақиллик байрами билан қутлаётган ҳамкор давлатлар халқларига тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилади.

– Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Карантин чекловларига қарамай,

Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилди. Корхоналар белгиланган режаларни бажармоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилгани фикримиз далилидир. Бу йил республикада биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилиши қайд этилди.

– Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонман. Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжихатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистонда Мустақиллик байрами тадбирлари давом этмоқда.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Қутловлар


СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳлини ва пандемия шароитида жонбозлик билан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини Ватанимизнинг қутлуғ байрами – **МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

Шижоати баланд халқимизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хушқайфият, оилавий тотувлик ҳамisha ёр бўлсин!
Ҳаммамизни турли балолардан Яратганнинг ўзи асрасин, беморларнинг дардига шифо берсин!

ТРАНСПОРТ, ЙҲЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимиз, шу жумладан, соҳа ходимларини Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан самимий қутлайди!
Гуллаб-яшнаётган юртимизни тинчлик-осойишталик, эзгулик, меҳр-муҳаббат туйғулари асло тарк этмасин!
Ҳар бир хонадондан хотиржамлик ва шодлик аримасин!



Фароғат йўли

Элимизда «Йўл азоби – гўр азоби» деган нақл бор. Барчамиз умр давомида ҳеч бўлмаса бир марта йўл азобини «тотганмиз». Баҳорнинг ёмғирли кунларида лойга ботиш азоби, оёқни қалтис ташлаб, сирпаниб кўлмакка йиқилиш изтироби... Қишнинг аёзли кунларида йўлга чиқсанг-у йўлинг унмаса, тизза бўйи қор этигингача кириб, оёқларинг аёздан акашдек қотиб зўрға юриб манзилингга етиб келсанг. Совуқ урган қўлларни иссиққа узатсанг аксига олиб игна санчгандек бармоқларинг оғриганда ҳар қандай чидамли одамнинг ҳам кўзидан ёш тирқираши...



Зулфия МҮМИНОВА,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси

Мустақилликнинг 29 йиллиги байрами муносабати бир гуруҳ ёзувчилар, шойрлар, журналистлар янги қурилиб фойдаланишга топширилган иншоотлар ва янги метро бекатлари ҳамда замонавий Фарғона йўли кўчасини кўришга борганимизда кўнглимдан шу ўйлар ўтди. Энди эса ундай ҳолатлар ўтмишга айланмапти. Замонавий йўллар қуриляпти. Биргина мана шу Фарғона йўли кўчасини олсак... Йўлнинг битган қисми ва жадвал олиб борилаётган қурилиш жараёнларини кўриб, биз ижод аҳли мукамал бир «асар ижод қилинаётганини» ҳайратла кузатдик. Шу йилнинг июль ойида бошланиб, ноябрда тугалланиши мўлжалланган йўл қурилишига 1 минг 360 нафар ишчи, 420 та қурилиш техника ва машиналари жалб этилибди.

Фарғона йўлининг лойиҳа қурилиши менежери Илбў Фозуров бизга бу 8 тасмали автомобиль йўлини қуриш ҳамда 2 тасмали мавжуд автомобиль йўлини реконструкция қилиш, ёпиқ турдаги ирригация тармоғи, 1000 донга энергия тежамкор ёриштирилган Фарғона йўли қурилиши, энг аввало, халқимиз учун қулай, озода, фаровон йўл бўлишини тасаввур этдим. Ёпиқ типдаги ирригация тармоғи. Бу – ёмғир ёққан лойқага айланган сув йўлини ифлослаб ётмайди, деганидир. Ёпиқ ирригация тармоғининг ёнидаги махсус туйнуклардан лойқа сувлар тўғри махсус жойга қўйилади. Шамол туйфали ҳазон босган ариқчалар, ҳас-ҳашак тикилиб сув тошган кўлмаклар бўлмайдиган, муҳитни ифлослантirmайди. Бир кунда 70-75 мингта транспорт ҳаракатланишини ҳисобга олсанг инсон соғлиги, экомувозанат ва атропоф гўзаллини асраш учун ўйлаб қурилатган бу йўлни – фароғат йўли деб ҳеч иккиланмай айтсак бўлади. Хавфдан ҳоли пилдалар йўлакларини, вейлўлакчалар, баҳордан то қишгача ранг-баранг очилиб, кўзларимизни яшнатувчи манзара...

Бу йўлдан бир кунда қанча-қанча қадрдон инсонлар ўтади. Уларнинг нозик қалблари бу фараҳбахш йўлнинг чиройидан завқ ва фароғат олиши, шубҳасиз.

Президентнинг ҳар бир тарихий воқелик касб этиқолдик. Тўрт йил аввалган бутун мақсадларнинг нечоғли асосга эга бўлганини мана бугун кўряпмиз. Биттаси – метро!

Метрони кенгайтириш нима учун керак эди? Ва лойиҳалаштирилганига қарийб 15 йил ўтган бўлса-да, чала қолиб кетган бу ишни давом эттиришга Президентни нима ундаган эди? Бу саволга назарий жиҳатдан жавоб топиш жуда осон. Аммо жавоб беришга шомасдан Тошкент метросининг Юнусобод йўналишидаги қурилиши поёнига етган «Юнусобод» ва «Туркистон» метро бекатларига бориб кўриб, сўнг мулоҳаза юритган яхшироқ.



Юксалиш бекатлари



Хусан ЭРМАТОВ,
«Дўстлик» ордени соҳибси

Уша пайтда Янги йил байрами эди. Кайфият ҳам байрамона. Дилда қанчадан-қанча эзгу орзулар, тилда олам-олам яхши тилаклар... Биз Янги йилдан кўп яхши хабарларни кутгандик, албатта. Аммо инсон айтгани ҳар доим ҳам бўлавермас экан. Қаранг, йилнинг қанчалик синовли келди, дунё таҳликада кун кечирмоқда.

Инсон барибир умидсиз яшамайди. Орзулар ортидан бораверида. Уларнинг рўёби учун ҳаракатда бўлади. Бунинг учун катта тиргак – ишонч бўлса, бас. Энг муҳими, у йўқолмасин.

Давлатлар ҳам инсонга ўхшайди. Белгиланган стратегиясини амалга оширмоқ йўлида собит боради. Бу йўлда унга суянч эса халқ иншончи. Уни уйғотмоқ, шакллантирмоқ, мустақамламоқ эса маълум инсонлар зиммасида. Хусусан, Йўлбошчининг.

Кеча пойтахтимизда фойдаланишга топширилган Янги Ўзбекистоннинг яна бир улкан иншооти – ер усти метросида кетар эканман, хаёлимдан шулар ўтди. Шу билан бирга, йўлимиздаги одамлар чехрасидаги мамнуликда мен ўша буюк туйғунни кўрдим – ишонч! Бугунга, эртасига ишонч. Бу халқнинг ҳам, давлатнинг ҳам орзулари амалга ошаётганидан нишонча.

Дунё иқтисодиёти таназзулга учраётган, бунёдкорлик шиддати пасайган бугунги замонда юртимиздаги улкан ўзгаришлар, биринчи навбатда, ана шу ишончининг самаралари.

Халқимиз айтади: йўл қурган савоб. Бугунги шиддаткор замонда бу нақлнинг аҳамияти чандон ортган. Айниқса, азим Тошкентда. Мегаполис шаҳарда қурилатган қават-қават йўллар, кўприклар, янги йўллар ана шунинг учун ҳам керак. Чунки тараққиёт учун вақт – ғанимат.

Шу йилнинг 29 август кунини давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги бир неча бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган нуқталарга борди, баъзи объекتلарни ишга туширди.

Президентнинг ҳар бир тарихий воқелик касб этиқолдик. Тўрт йил аввалган бутун мақсадларнинг нечоғли асосга эга бўлганини мана бугун кўряпмиз. Биттаси – метро!

Дастлаб бекатларни кўздан кечирамиз. Зеро, таассурот улардан бошланади. Бекатларда, аввало, ЕРУҒЛИК бор. Унинг оппоқлиги, бегардлигида эса ёрқин орзулар акс этади. Йўловчилар ўзгача манзара, муҳитни кўради, кўзлари қувончдан порлайди, юзлари мамнулик акс этади.

Бир гуруҳ ижодкорлар учун уюштирилган медиа саёҳатнинг илк таассуроти шундай кечди. Зулфия Мўминова шосирона ҳайрат билан қаламини қўлга олиб бир нарсаларни шоша-пиша қоралай бошлаганини кўрдим. Ғайрат Маждид ёнидаги ҳамроҳининг сўзларини эшитмапти. У ҳам кўнгли кечинмаларини қозғога тезроқ муҳрлаб қўйиш билан банд. Енгинида Шўҳрат Жабборовнинг ҳаяжонли овозини эшитаман: «Мен кутганимдан минг бор зиёда бўлибди».

Ҳақиқатдан ҳам, бу йўл шонли тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак. Уни бунёд этишнинг ўзи бўлгани йўқ, Бу жараёндан эса ҳаммамиз хабардоримиз.

Биргина мисол, йўлнинг 850 метр қисми ер ости суви кўп жойга тўри келган. Шунинг учун илгари бунга амалга ошириш имкони бўлмаган. Янги лойиҳада Германия технологияси қўлланилиб, сувли жойдан темир-бетон тобинг қўйиш орқали ўтилган.

Бу йўл аҳоли учун катта қулайлик яратди. Негаки, ҳозирда Юнусобод туманида 340 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Метро йўли уяштирилиб, янги бекатлар қурилгани нафақат ушбу туман, балки Тошкент вилоятининг Қўбрай тумани аҳоли учун бир қатор енгиллик яратди. Тўғиз вақтда қанчадан-қанча одамнинг вақти тежаллади. Хусусан, мазкур икки бекат орқали кунига 7,5 минг йўловчига хизмат кўрсатилади. Натижада, автобуслар йўналиши мақбуллашиб, тирбандлик камаяди. Йўлига 5,3 минг тонна зарарли газ атмосферага чиқишининг олди олинади. Яна экология масаласи, асаббузарликларнинг камайиши... Хулласи, халқнинг манфаатлари...

Метро билан биргаликда Юнусобод туманида йўлсозликда яна бунёдкорлик амалга ошибди метро йўналишининг давоми қурилиши натижада Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасининг Амир Темури кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 километр қисми 6 қаторли қилиб қайта қурилди. 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинди. Пилдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилди. Энергия тежамкор ёриштирилган кенгайтирилган. Бу қатор тирбандликларнинг олдини олмақда Ушбу бир кунда 60 мингтагача транспорт воситаси ҳаракатланиши мумкин.

Тўғри, метро Ўзбекистондан бошқа мамлакатларда ҳам қурилади.

Бир риди. Юнусобод метро йўналишининг давоми қурилиши натижада Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасининг Амир Темури кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 километр қисми 6 қаторли қилиб қайта қурилди. 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинди. Пилдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилди. Энергия тежамкор ёриштирилган кенгайтирилган. Бу қатор тирбандликларнинг олдини олмақда Ушбу бир кунда 60 мингтагача транспорт воситаси ҳаракатланиши мумкин.

Тўғри, метро Ўзбекистондан бошқа мамлакатларда ҳам қурилади. Иқтисодчилар йўлларни иқтисодиётнинг қон томирига менгезади. Қон айланар экан, ривожланиш бўлади, тараққиёт жадаллашади. Бугун мамлакат миқёсида йўлсозлик масаласига алоҳида эътибор қаратилиши замирида ҳам шундай тамойил акс этган. Пойтахтнинг янги йўллари, янги транспорт йўналишлари юртдошларимизни у манзилдан бу манзилга элтар экан, бу билан тараққиёт шиддатига ҳисса қўшади. Яратилган қулайликлар эса одамлар кўнглини ёруғ орзулар билан бизади. Президентимиз айтганидек, Бу йўл ҳамма нарсани тезлаштиради. Ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Янги йилни кутиб олаётган кезимиз эди. 2020 йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган. Гаджетимни олиб хабарлар лентасига қарадим. Хитойда номаълум вирус тарқалгани ҳақидаги ахборотга кўзим тушди. Эътиборсиз ўтказиб юбордим. Аммо бугунги синовли кунларда пандемия билан боғлиқ бирон янгилик эшитсам, хаёлимга ўша пайтда онг-у шууримни бир он банд этган мазкур хабар келаверади.



ётгани бор гап. Бу XXI аср учун оламшумул кашфиёт эмасдир. Аммо бугунги шароитда юрт раҳбари халқини яхши кўриши, унга жондан қайишнинг исботи бўлди. Муҳими, бу вазифа «аъло» баҳога уддаланди. «Аъло»лиги бир вазифага ундан беш-ўн баробар оғирроғини ташаббус билан зиммага олган давлат раҳбари мамлакат истиклолининг 29 йиллигига

пойтахт аҳлига оламшумул совғасини инъом этди. Йўлимиз энди Кўйлик томонга тушади. Бу ердаги улкан ўзгаришлар замирида Янги Ўзбекистон қиёфасини кўраимиз.

Энди ушбу замонавий иншоот ҳақида икки оғиз сўз: Тошкент ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи – «Дўстлик-2» – «Кўйлик» йўналиши қуриб битказилди. Ушбу улкан транспорт линиясини лойиҳалаштириш 2017 йилда бошланган эди. Қурилишнинг бориши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди. Метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган. Янги йўналишнинг узунлиги – 11,5 километр.

Қаранг-а, бундан беш йил аввал бировнинг тушига ҳам қирмаган ишлар амалга ошди – «Кўйлик» бозорига метро борди! Тошкентнинг бир ён айланаси бўйлаб ер усти транспортда одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди.

Метро бекатларидаги қулай шароитларнинг муҳайё қилинганидан одамларнинг мамнулигини кўрдик. Оилавий сайрга чиққан йўловчилар карантин талабларига риоя этган ҳолда атрофга хурсанд боқишмоқда.

Ҳамроҳларим – ижодкорларни кузатаман. Барчаси ангилликлар қаршисида маҳлиё, ўзаро сўхбатлашмоқда. Баъзилари хаёл, балки ижод оғушида. Ким билсин, янги асар ғояси тугилмаётгандир...

Замонавий метро поезди эса бир маромда, шиддат билан олға интилиб, бизни янги бекат томон олиб кетмоқда.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi
ISSN 2010-5028
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир jайъatи:

Қудратилла РАФИҚОВ
(Тахрир ҳайъати раиси),
Улугбек ЖАЛИМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМУЛЛОВ,
Ноира ҚАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темури МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўйича),
Меҳридин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳўқўқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги ангилликлар, таҳлил, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиш мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрирнинг нўқтаси назардан ўтказилган мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳимов

Ҳаёфловчи:
Ҳ. Абдуқалилов

Мусаҳҳи:
Д. Орипов

Босишга топшириш вақти – 22:10
Тошпирилди – 22:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюрога Т – 917. 27841 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5

Манзилнинг:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-йў. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнларини қоплайди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмақонасида chop этилди. Қорона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йў.

Тахрирнинг қосбрақами:
2021.0000.0004.3052.7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130